ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.08.16-24 «БАНК МУАССАСАЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 22 июлда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 360]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 апрелдаги 231-сон «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.08.16-24 «Банк муассасалари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 июнь,
01/2-35-сон
Келишилди:

Президент ҳузуридаги ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М. ОЛЛОЁРОВ

2025 йил 13 июнь

Фавқулодда вазиятлар вазири Б. КУДРАТХОДЖАЕВ

2025 йил 9 июнь

Марказий банк раиси Т. ИШМЕТОВ

2025 йил 13 май

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринбосари О. ҚУДРАТОВ

2025 йил 13 май

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2025 йил 2 май

Ички ишлар вазири А. ТАШПУЛАТОВ

2025 йил 2 май

Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б. ИСЛАМОВ

2025 йил 30 апрель

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2025 йил 30 апрель

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2025 йил 18 июндаги 01/2-35-сон
буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.08.16-24 «Банк муассасалари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) банк муассасаларининг биноларини лойиҳалашга оид талабларни белгилайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда қурилиш регламентига ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда қурилиш регламентига ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 1.03.02-23 «Ҳудудларни ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни»;

ШНҚ 2.01.01-22 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»;

ШНҚ 2.01.02-04 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ШНҚ 2.01.05-24 «Табиий ва сунъий ёритиш»;

ШНҚ 2.01.07-96 «Юклар ва таъсирлар»;

ШНҚ 2.01.08-24 «Шовқиндан ҳимоя»;

ШНҚ 2.03.01-24 «Бетон ва темир-бетон конструкциялар»;

ШНҚ 2.04.01-22 «Биноларнинг ички сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш»;

ШНҚ 2.04.05-22 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш»;

ШНҚ 2.04.09-21 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси тизими. Лойиҳалаш талаблари»;

ШНҚ 2.04.17-24 «Турар жой ва жамоат биноларининг электр жиҳозлари»;

ШНҚ 2.05.07-24 «Автотураргоҳлар»;

ШНҚ 2.07.01-23 «Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш»;

ШНҚ 2.07.02-24 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган ва ҳаёт фаолияти чекланган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари»;

ГОСТ 12.1.004-91 «Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблар» *(расмий манба: «Система стандартов безопасности труда. Пожарная безопасность. Общие требования»);*

ГОСТ 32144-2013 «Электр энергияси. Техник воситаларнинг электромагнит мослиги. Умумий мақсаддаги электр таъминоти тизимларида электр энергиясининг сифати нормалари» *(расмий манба: Электрическая энергия. Совместимость технических средств электромагнитная. Нормы качества электрической энергии в системах электроснабжения общего назначения»)*;

ГОСТ 22011-95 «Йўловчи ва юк лифтлари» *(расмий манба «Лифты пассажирские и грузовые. Технические условия»)*;

ГОСТ 30494-2011 «Турар жой ва жамоат бинолари. Хоналар микроиқлимининг параметрлари» *(расмий манба: «Здания жилые и общественные. Параметры микроклимата в помещениях»)*;

ГОСТ 12.1.005-88 «Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Иш жойининг ҳавосига умумий санитария-гигиена талаблари» *(расмий манба: «Система стандартов безопасности труда. Общие санитарно-гигиенические требования к воздуху рабочей зоны»);*

СанҚваН 0350-17 «Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН 0339-16 «Ўзбекистон аҳоли пунктларини режалаштириш ва ривожлантириш бўйича санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН 0008-20 «Турар жойларда, жамоат биноларида, аҳоли яшаш ҳудудларида ва дам олиш жойлари (зоналари)да рухсат этилган шовқин даражасининг санитария қоидалари ва меъёрлари»;

СанҚваН 0324-16 «Ишлаб чиқариш хоналари микроиқлимининг санитар-гигиеник нормативлари»;

СанҚваН 0060-23 «Радиочастоталарнинг электромагнит майдонлари манбалари билан ишлашнинг санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН 0224-07 «Шахсий компьютерлар, видео дисплей терминаллари ва оргтехника воситаларида ишлашда санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН 0027-22 «Умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари»;

ҚР 03.01-23 «Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар»;

ҚР 05.06-23 «Электротехник қурилмалар».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

банк муассасалари — Марказий банк, унинг ҳудудий бош бошқармалари ва тижорат банклари;

амалиёт зали — мижозлар ва инкассация ходимлари томонидан ҳужжатларни расмийлаштиришга мўлжалланган хона;

ҳисоб-китоб амалиёт блоки — амалиёт заллари ва ҳисоблаш-амалиёт ходимлари учун мўлжалланган хоналар гуруҳи;

технологик лифт — технологик жиҳозлар ва қимматликларни ташиш учун мўлжалланган лифт;

техник хоналар — банк муассасалари биноларининг муҳандислик жиҳозларига хизмат кўрсатувчи хоналар.

3. Ушбу ШНҚда қуйидаги қисқартмалар қўлланилган:

ҲККМ — ҳисоб-китоб касса маркази;

ЗАУҚ — захирани автоматик улаш қурилмалари;

УЭТТ — узлуксиз электр таъминоти тизими;

ДЭС — дизель электр станцияси;

ГЎЎМ — газли ўт ўчириш моддалари;

ЭҲМ — электрон ҳисоблаш машиналари;

ПЭҲМ — персонал электрон ҳисоблаш машиналари;

ЭУТҚ — электр ускуналарининг тузилиши қоидалари;

КЭТТ — кафолатланган электр таъминоти тизими;

ҲЎҚ — ҳимоя ўчириш қурилмаси.

3-боб. Умумий қоидалар

1-§. Асосий талаблар

4. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда уларнинг ҲККМни битта ёки алоҳида турувчи биноларга жойлаштиришга йўл қўйилади.

5. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда уларнинг ҲККМ биноларининг муҳимлик даражаси ШНҚ 2.01.07-21 га мувофиқ белгиланиши лозим.

6. Банк муассасалари бошқа ташкилотлар билан биргаликда битта бинога жойлаштирилганда, уларнинг ўзаро изоляцияси ва мустақил (автоном) фаолият юритиши таъминланган бўлиши керак.

7. Банк муассасалари ходимларига хизмат қилувчи ижтимоий-маиший хоналар хизмат хоналари билан битта бинога жойлаштирилганда, ижтимоий-маиший хоналар функционал-режавий жиҳатдан мустақил (автоном) блоклар кўринишида лойиҳаланиши зарур.

8. Банк муассасаларининг алоҳида турувчи бинолари ва улардаги хоналарнинг ўлчамлари ушбу ШНҚ талабларига мувофиқ бўлиши, бунда уларни мослаштириладиган биноларга жойлаштирганда хоналар баландлигини 2,5 m ўлчамда лойиҳалашга йўл қўйилади.

9. Банк муассасаси ходимларининг сонини ҳисоблашда умумий овқатланиш хизмати ходимлари, ҳайдовчилар, гардеробчилар, фаррошлар ва бошқалар ҳисобга олинмаслиги лозим.

10. Банк муассасалари биноларини лойиҳалаш ва қуришда қуйидагилар амалга оширилиши керак:

муҳандислик коммуникация тармоқларига (электр, сув ва оқова сув) улаш;

тамбурларнинг эни 1,8 m дан, узунлигини эса 2,2 m дан кам бўлмаслигини таъминлаш;

металл панжаралар ўрнатиладиган хоналар бинонинг олд фасад (кўчага қаратилган) томонига жойлаштирилганда, панжараларни хонанинг ички томонидан жойлаштириш.

11. Банк муассасаларининг биноларини лойиҳалашда СанҚваН 0224-07, СанҚваН 0008-20, СанҚваН 0060-23 ҳамда СанҚваН 0324-16 талабларига риоя қилиниши лозим.

12. Фуқаро муҳофазасининг ҳимоя (муҳандислик) иншоотлари ва фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар бериш тизими лойиҳалаш топшириғида белгиланиши керак.

13. Банк муассасалари биноларини лойиҳалашда ШНҚ 1.03.02-23 ва ШНҚ 2.07.02-24 талаблари инобатга олиниши зарур.

14. Кириш жойлари (зоналари)даги қопламалар юзаси ШНҚ 2.07.02-24 га мувофиқ бўлиши керак.

15. Асосий кириш жойларига, ҳожатхона ва эвакуация йўлларининг эшиклари ШНҚ 2.07.02-24 га мувофиқ бўлиши лозим.

2-§. Ёнғин хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

16. Банк муассасалари биноларини лойиҳалашда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 2.08.02-23, ШНҚ 2.04.09-21 ва ушбу ШНҚга мувофиқ амалга оширилиши керак.

17. Банк муассасалари биноларининг оловбардошлилик даражаси ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ II дан паст бўлмаслиги зарур.

18. Банк муассасалари бинолари ва қўшни объектлар орасидаги ёнғинга қарши оралиқ масофа ШНҚ 2.07.01-23 ва ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ бўлиши лозим.

19. Банк муассасалари бошқа муассасалар билан биргаликда битта бинода жойлашганда, уларни ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ камида ёнғинга қарши 2-турдаги деворлар ва 3-турдаги ораёпмалар билан ажратиш зарур.

20. Банк муассасалари хоналарининг қуйидаги гуруҳлари ёнғинга қарши 2-турдаги деворлар, 1-турдаги тўсиқлар ва 3-турдаги ораёпмалар билан мустақил ёнғинга қарши бўлмаларга ажратилиши керак:

серверлар, алоқа ва криптоҳимоя жиҳозлари учун мўлжалланган хоналар;

архив хоналари;

электрошчит, шамоллатиш камералари;

ёнувчи материалларни сақлаш омборхоналари;

таъмирлаш устахоналари.

21. Банк муассасалари бинолари қаватларининг ёнғинга қарши деворлари орасидаги йўл қўйиладиган майдон ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ бўлиши лозим.

22. Банк муассасалари бинолари учун ер ости қаватлари ёнғин бўлмасининг максимал майдони ШНҚ 2.08.02-23 га, ер ости автотураргоҳлар учун ёнғинга қарши бўлма чегаралари ичидаги майдони эса ШНҚ 2.05.07-24 га мувофиқ бўлиши зарур.

23. Банк муассасалари бинолари ичида пневмопочта тизимидан фойдаланилганда, унинг қувурлари ёнғинга қарши деворлар ва тўсиқлар билан кесишадиган жойларда ёнғин

вақтида ушбу девор ҳамда тўсиқларнинг оловбардошлигини камайтирмайдиган оловни тўхтатувчи клапанлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

24. Пневмопочта тизими ва ёнғин тўсувчи клапанларнинг оловбардошлилик чегараси EI 30 дан кам бўлмаслиги зарур.

Ёнғин тўсувчи клапанларнинг тутун ўтказмасликка бўлган чидамлилиги камида 1 kv.m кесим юзасига 8000 kg/m дан кам бўлмаслиги лозим.

25. Ёнғин тарқалишига тўсқинлик қилувчи клапанларнинг конструкцияси мазкур клапанларни механик, автоматик ва масофадан бошқариш имконини таъминлаши зарур.

26. Банк муассасаси биноларидаги ахборот-ҳисоблаш мажмуаларининг хоналари, ЭҲМ локалли тармоқлари серверлари хоналари, ягона телекоммуникация банк тармоғи узеллари, криптоҳимоя жиҳозлари хоналари, молиявий ҳужжатларнинг архивлари, дизель электростанциялари автоматик газли ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланиши керак.

27. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмасининг тури (спринклерли, дренчерли), унинг ўчириш тури (ҳажмли, майдони бўйича, локал) ва ёнғинни ўчириш воситаларини (сув, кўпик, газ) танлаш ШНҚ 2.04.09-21 талабларини ҳисобга олган ҳолда технологик талаблар орқали белгиланиши лозим.

Оловбардошлилик чегараси EI 45 бўлган тўсувчи конструкцияларга эга ва майдони 15 m^2 гача бўлган алоҳида хоналарда локал ўт ўчириш қурилмаларини ўрнатишга йўл қўйилади.

28. Қимматликлар сақланадиган хоналарда, архивларда, ЭҲМларнинг марказий қурилмалари жойлашган хоналарда, шунингдек электрон ҳисоблаш техникаси сақланадиган хоналарда ёнғинни ўчириш учун газ-аэрозолли ёнғин ўчириш моддаларини қўллашга йўл қўйилмайди.

29. ЭҲМ марказий қурилмалари хоналари, қоғоз ва электрон-ҳисоблаш техникаси сақланадиган хоналарда, шунингдек қоғоз ҳужжатлар ва магнит ҳамда оптик ташигичлардаги ҳужжатларни сақлаш архивларида кукун ва газ туридаги ёнғин ўчириш қурилмаларини қўллашга йўл қўйилади.

30. Архив ҳужжатлари фақат темир контейнер ёки жавон (шкаф)ларда сақланганда, автоматик ёнғин ўчириш қурилмасини лойиҳаламасликка йўл қўйилади.

31. Хонада мўлжал олиш учун зарур бўлган кўринувчанликни таъминлаш учун хоналардан тутунни вентиляция қилиш вақти ушбу ШНҚнинг 6-иловасига мувофиқ аниқланиши керак.

32. Персонал ЭҲМ, абонент пунктлари ҳамда бошқа электрон-ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган (автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланмайдиган) хоналар ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари (олиб юриладиган ёки кўчма ҳаракатланувчи газли ёки кукунли ўт ўчиргичлар) билан жиҳозланиши лозим.

Бунда, хонанинг 100 m^2 юзасига 1 та ўт ўчиргич тўғри келиши, бироқ 2 тадан кам бўлмаган ўт ўчиргич бўлиши ҳисобга олиниши керак.

33. Банк муассасалари биноларида ёнғин сигнализацияси тизимлари, ёнғин ҳақида хабар бериш тизимлари ГОСТ 12.1.004-91 ва ШНҚ 2.04.09-21 га, ёнғин пайтида одамларни огоҳлантириш ва эвакуацияни бошқариш тизимлари ГОСТ 12.1.004 ва ШНҚ 2.04.09-21 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

34. Бир-икки қаватли биноларда ёнғин ҳақида хабарлар узатиш учун товушли, сиренали ва бошқа сигналлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Бунда, мазкур сигналлар тоналлиги бўйича бошқа сигналлардан фарқ қилиши зарур.

35. Банк муассасалари биноларининг тутунга қарши ҳимоя тизими ШНҚ 2.04.05-22 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

36. Эвакуация йўллари ва чиқиш жойлари ШНҚ 2.01.02-04 ва ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ лойиҳаланиши зарур.

37. Банк муассасалари биноларида шифт, девор ва пол қопламаларини пардозлашда қўлланиладиган материаллар ШНҚ 2.01.02-04 ва ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ бўлиши керак.

38. Банк муассасалари биноларида иккита ер ости қаватлари мавжуд бўлганда, пастки қаватда жойлашган хоналардан эвакуация чиқиш жойларининг сони иккитадан кам бўлмаслиги лозим.

Зинапоя катаклари бир-биридан алоҳида ажратилган ҳолда лойиҳаланиши керак.

39. Зинапоя катакларидан чиқишни бевосита ташқарига олиб чиқувчи битта чиқиш жойига эга бўлган амалиёт залининг умумий йўлаги (коридори)дан амалга оширишга йўл қўйилади. Бунда, мазкур йўлак (коридор)да бошқа хоналардан чиқиш жойлари бўлмаслиги керак.

40. Лифт шахталарида ШНҚ 2.04.05-22 га мувофиқ ёнғин вақтида тутунга қарши ҳимоя (ортиқча босим ҳосил қилиш) тизими лойиҳаланиши керак.

41. Мижозлар ва хизмат жойлари (зоналари)га ажратилган амалиёт залидан эвакуация қилиш ҳар бир жой (зона) учун мустақил равишда амалга оширилиши лозим.

42. Банк муассасалари биноларининг қуйидаги хоналарининг эшиклари ёнғинга қарши 2-турга мансуб бўлиши керак:

сервер хоналари;

архив хоналари;

бланкаларни сақлаш хоналари;

хўжалик хоналари;

вентиляция камералари;

электр щит;

лифтларнинг машина бўлимлари хоналари.

43. Электр иситиш ускуналари ШНҚ 2.04.17-24, ҚР 05.06-23 талабларини инобатга олган ҳолда, ёнмайдиган материаллардан тайёрланган асос устига ўрнатилиши зарур.

44. Банк муассасалари бинолари хоналарини акустик пардозлашда ёнмайдиган ёки қийин ёнадиган материаллардан фойдаланиш керак.

45. Банк муассасалари биноларининг одамлар бўладиган барча хоналарини ёнғин хабарлагичлар билан лойиҳалаш зарур.

4-боб. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларининг бинолари қурилишини режалаштиришнинг конструктив ечимлари

1-§. Умумий талаблар

46. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларининг хоналарида полдан шифтгача бўлган баландлик 3,3 m, осма шифтлар бўлганда эса 2,8 m дан кам бўлмаслиги керак.

47. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларидаги йўлак (коридор)ларининг баландлиги 2,5 m ўлчамда бўлишига йўл қўйилади.

Йўлаклар (коридор) қарама-қарши йўналишли йўлларда ўриндиқли аравачадаги ногиронлиги бўлган шахс ҳаракатланиши учун йўлнинг кенглиги ҳамда кўришда нуқсони бўлган шахсларнинг навигацияси ШНҚ 2.07.02-24 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

48. Инкассация автомашиналарини юклаш ва бўшатиш учун мўлжалланган боксларнинг баландлиги фойдаланиладиган автомашиналарнинг габаритларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

49. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларининг хизмат биноларида қимматликлар, технологик жиҳозлар ҳамда материалларни ташиш учун лифтлар ўрнатилиши талаб этилганда, юк-йўловчи лифтлар мазкур биноларнинг қаватлар сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда ГОСТ 22011-95 талабларига мувофиқ ўрнатилиши зарур.

50. Лифтларнинг юк кўтарувчанлиги ва кабиналарининг ўлчамлари лойиҳа топшириғига мувофиқ аниқланиши ҳамда лифтлар сони уларнинг вазифаси ва юкланишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

Ўриндиқли аравачадаги ногиронлиги бўлган ва ҳаёт фаолияти чекланган шахслар ҳамда кексалар ва кўришда нуқсони бўлган шахслар фойдаланиши учун лифтлар ШНҚ 2.07.02-24 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

51. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларини лойиҳалашда йўлакларнинг кенглиги янги қурилаётган объектлар учун 1,5 m дан ва реконструкция шароитларида 1,2 m дан кам бўлмаслиги лозим.

52. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларининг хизмат хоналарини шовқиндан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ШНҚ 2.01.08-24 талабларига мувофиқ белгиланиши зарур.

53. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларининг хоналаридаги ҳавони ёзда кондиционерлаш юкламаларини камайтириш учун мўлжал олинадиган (горизонтга нисбатан 40 ва шимолроқ жойлашган) деразаларга қуёшдан ҳимоя қиладиган ростланувчи қурилмалар ўрнатилиши керак.

2-§. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларининг хоналарига қўйиладиган талаблар

54. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларининг хоналари қуйидаги функционал тоифаларга бўлиниши керак:

маъмурий хоналар (раҳбарлар учун хоналар ва тузилмавий бўлинмаларнинг умумий хизмат хоналари);

электрон-ҳисоблаш техникаси ва алоқа жиҳозлари учун хоналар;

иш юритиш ва архив хоналари;

ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш хоналари;

муҳандислик-техник вазифаларга мўлжалланган хоналар.

55. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларида мустақил функционал-режавий жой (зона)лар сифатида амалиёт блокини ҳам жойлаштиришга йўл қўйилади.

56. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари хоналарининг таркиби, шунингдек уларга қўйиладиган талаблар алоҳида лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши зарур.

3-§. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларининг маъмурий хоналарига қўйиладиган талаблар

57. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари учун мўлжалланган хоналар, шунингдек мазкур хоналар олдидаги қабулхоналарнинг майдони ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 1-жадвалига мувофиқ белгиланиши керак.

58. Раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари хоналари умумий қабулхонага эга бўлишига йўл қўйилади.

59. Бирлаштирилган қабулхона майдони раҳбар қабулхонасини 8 m^2 га кенгайтириш йўли билан аниқланиши лозим.

60. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбарларининг хоналари олдида лойиҳа топшириғи бўйича майдони 9 — 12 m^2 бўлган дам олиш хонаси ҳамда 4 — 5 m^2 майдонга эга бўлган ёрдамчи хона бўлишига йўл қўйилади.

61. Бошқарма ва бўлим бошлиқлари хоналарининг майдони бошқарма ҳамда бўлимлардаги ходимлар сонига боғлиқ ҳолда қуйидагича лойиҳаланиши керак:

5 дан 10 нафаргача бўлганда — 12 m^2;

10 дан 15 нафаргача бўлганда — 16 m^2;

15 дан 20 нафаргача бўлганда — 18 m^2;

20 дан 45 нафаргача бўлганда — 20 m^2;

45 дан 75 нафаргача бўлганда — 24 m^2;

75 дан кўп бўлганда — 30 m^2.

62. Ходимлар сони 5 нафаргача бўлганда, раҳбар иш жойини умумий иш хонасига жойлаштиришга йўл қўйилади.

63. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ХККМ бўлимлари умумий иш жойларининг майдони ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 2-жадвалида келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

4-§. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларининг электрон-ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари учун мўлжалланган махсус хоналарига қўйиладиган талаблар

64. Электрон-ҳисоблаш техникаси воситалари ва алоқа воситалари учун мўлжалланган махсус хоналарнинг таркиби ва майдонлари, шунингдек уларга қўйиладиган талаблар лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

65. Махсус алоқа бўлинмалари учун мўлжалланган хоналар блоки ичига камида учта хона киритилиши ва уларнинг майдони жойлаштириладиган жиҳозларга боғлиқ ҳолда қуйидагича белгиланиши керак:

ижрочилар (телефонист) учун камида — 10 m^2;

иш юритувчи учун камида — 15 m^2;

алоқа воситалари учун камида — 20 m^2.

66. Махсус алоқа бўлинмалари учун мўлжалланган хоналар гуруҳини бошқа хоналардан, шунингдек ижрочилар учун хоналарни хизмат хоналаридан ажратувчи девор ва пардадеворлар 40 dB дан кам бўлмаган товуш изоляциясига эга бўлиши лозим.

67. Вентиляция каналларини товуш ютувчи қурилмалар билан жиҳозлаш зарур.

5-§. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларининг иш юритиш ва архив хоналарига қўйиладиган талаблар

68. Назорат олди жойи (зонаси)га чиқувчи дераза ҳимояланган бўлиши керак.

69. Ёзишмаларни қабул қилиш ва жўнатиш бўйича хоналарнинг майдонлари ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 2-жадвалида келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ белгиланиши лозим.

70. Ҳужжатлардан нусха олиш (ксерокопия) учун жойлар майдони жиҳозларга қўйиладиган техник талаблардан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, бироқ битта иш жойига камида 6 m^2 тўғри келиши керак.

71. Оператив полиграфия хизмати хоналарининг таркиби ва майдонлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

72. Архив хонасининг талаб этиладиган майдонини ҳисоблаш қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

архив сақлаш ҳажми тўлиқ тўлишининг ҳисобий даврини;

мавжуд фондлар ҳажмларини (хатловдан чиқариладиган ҳужжатларни ҳисобга олмасдан);

ҳужжатларни сақлаш усули ва қўлланиладиган жиҳозлар турларининг таркибини.

73. Архив хоналарининг талаб этилган майдонларини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим:

архивариуснинг битта иш жойига — 8,0 m^2;

битта ёрдамчи иш жойига — 4,5 m^2;

ташриф буюрувчилар билан ишлаш учун битта иш жойига — 3,0 m^2;

икки томонлама ўрнатилган стеллажнинг бир погон метрига — 1,9 m^2;

икки томонлама ўрнатилган кўчма стеллажнинг бир погон метрига — 1,2 m^2;

эни 1 m бўлган 1 та жавон (шкаф)га — 1,5 m^2.

74. Архив хоналарини бинонинг пастки қаватларига жойлаштириш керак. Бунда, архив хоналари намликдан ҳимояланган бўлиши зарур.

6-§. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларидаги ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналарга қўйиладиган талаблар

75. Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналарга қуйидагилар киритилиши керак:

мажлис ва музокаралар ўтказиш хоналари;

умумий овқатланиш хоналари;

таъмирлаш устахоналари;

материаллар ва хўжалик анжомларини сақлаш хоналари;

маиший, шахсий гигиена ва санитария хоналари;

кириш жойи хоналари.

76. Мажлис ва музокаралар ўтказиш хоналаридаги жойлар сони лойиҳалаш топшириғига мувофиқ белгиланиши ва 15 та жой (ўриндиқ) қўшилишини инобатга олиб ходимлар сонининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

77. Мажлис ва музокаралар ўтказиш хоналари майдони аудиовизуал ахборот воситаларидан фойдаланилганда, 1 та жойга 2,7 m^2 ва аудиовизуал ахборот воситалари бўлмаганда, 1 та жойга камида 2 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

78. Мажлис ва музокаралар ўтказиш хоналарида қўшиладиган ҳар бир жойга (стол қўйилмайдиган) камида 1 m^2 тўғри келиши инобатга олиниши лозим.

79. Йиғилиш залининг сиғими ходимлар сонининг 50 — 70 фоизини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

80. Йиғилиш залининг майдони президиумга ажратилган жойни киритган ҳолда пюпитр мавжуд бўлмаганда, битта жойга камида 1,2 m^2 ва пюпитр мавжуд бўлганда битта жойга камида 1,4 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

81. Йиғилиш заллари олдидаги кулуарларнинг майдонини белгилашда залдаги битта жойга 0,45 m^2 тўғри келиши инобатга олиниши лозим.

82. Умумий овқатланиш хоналарининг сиғими хизмат кўрсатиладиган контингент сонининг 25 фоизини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак. Бунда, хоналарнинг таркиби ва майдонлари ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ бўлиши зарур.

83. Ишлаб чиқариш вазифасидаги материаллар (оргтехника, бутловчи қисмлар, ўраш материаллари) сақланадиган хоналарнинг таркиби ва майдони, уларни жиҳозлашга қўйиладиган талаблар лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

84. Канцелярия товарлари сақланадиган хона майдони бир нафар ходимга камида 0,1 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши, бунда мазкур хона майдонига материалларни қабул қилиш ва бериш жойи (зонаси) учун 6 m^2 майдон қўшилиши керак.

85. Тозалаш анжомларини сақлаш учун ҳар бир қаватда камида 1,5 m^2 майдонга эга бўлган хона бўлиши, бу хоналарни санитария узеллари олдида жойлаштириш зарур.

86. Санитария узеллари ҳар бир қаватга жойлаштирилиши керак.

87. Санитария узелларини лойиҳалашда ШНҚ 2.07.02-24 талаблари инобатга олиниши лозим.

88. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларини реконструкция қилишда қаватда ишлайдиганлар сонидан қатъи назар, эркак ва аёллар учун санитария узелларини ҳар бир қаватда жойлаштириш лозим.

89. Санитария узелларидаги сантехника жиҳозлари сони 50 нафар эркак кишига камида битта унитаз ва битта писсуар, 20 нафар аёлга камида битта унитаз, 3 та жиҳозга 1 та қўл ювиш мосламаси тўғри келиши лозим.

90. Шахсий гигиена хоналари 50 нафар аёлга камида битта хона тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда, аёлларнинг санитария узеллари олдида жойлаштирилиши ҳамда ушбу хоналарнинг майдони 4 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

91. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг гардероблари қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим:

муҳандислик тизимларига хизмат кўрсатувчи ходимлар сони;

хоналарни ҳамда ҳудудни тозаловчи ходимлар сони.

92. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг гардероблари индивидуал жавон (шкаф)лар билан жиҳозланиши ва уларнинг майдони битта жавон (шкаф)га 1,5 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

93. Гардероб хонасини эркаклар ва аёллар учун ажратмасдан жойлаштиришга тўғри келган ҳолларда, 10 та жойга битта кийим алмаштириш кабинаси бўлиши ва ушбу кабинанинг майдони 1 m^2 ни бўлиши зарур.

94. Хизмат кўрсатувчи ходимлар учун душлар гардеробдаги 10 та жойга битта душ кабинаси тўғри келишини ҳисобга олиб лойиҳаланиши лозим.

95. Иш вақтида юқори даражадаги диққат ва эътиборни талаб қиладиган ходим (амалиёт кассаларининг кассирлари, нақд пул кассалари кассирлари ва ЭҲМ операторлари)нинг қисқа вақтли ва психологик дам олиши учун лойиҳа топшириғига мувофиқ, махсус хона лойиҳаланиши керак.

Бунда, унинг майдони бир кишига 0,7 m^2 тўғри келиши, бироқ 12 m^2 дан кам бўлмаслиги зарур.

96. Қисқа вақтли ва психологик дам олиш учун махсус хоналар кичик ошхона билан жиҳозланганда, унинг ҳисобий майдони жиҳозларнинг вазифаси ва ўлчамларига боғлиқ ҳолда 4 — 6 m^2 га оширилишига йўл қўйилади.

97. Хизмат кўрсатиш ва эксплуатация ходимлари (ҳайдовчилар, гардеробчилар, бинога техник хизмат кўрсатувчи ходимлар) учун дам олиш хонасининг майдони ҳар бир ходимга 0,5 m^2 тўғри келиши, бироқ умумий майдони 9 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

98. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларига кириш жойи гуруҳининг хоналари таркибига қуйидагилар киритилиши керак:

вестибюлнинг назорат жойи (зонаси) олдидаги жой — аванвестибюль;

вестибюль;

ташриф буюрувчилар учун гардероб;

кириш учун рухсатнома бериш бюроси.

99. Аванвестибюль қуйидагилар учун мўлжалланган бўлиши керак:

рухсатнома расмийлаштирилишини кутаётган ташриф буюрувчилар;

ички алоқа телефон кабиналарини жойлаштириш;

зарур ҳолларда Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари ходимларининг ташриф буюрувчилар билан мулоқот қилиши.

100. Аванвестибюл майдони ходимларнинг ҳисобланган сонига асосланиб, ҳар бир ходимга 0,06 m^2 тўғри келиши ва қўшимча 10 m^2 қўшилишини ҳисобга олган ҳолда белгиланишига йўл қўйилади.

101. Вестибюль майдони ходимларнинг ҳисобий сонига боғлиқ ҳолда ҳар бир ходимга 0,15 m^2 тўғри келиши ва 30 m^2 қўшилишини ҳисобга олиб белгилашга йўл қўйилади.

102. Ташриф буюрувчилар учун гардероб вестибюлда бўлиши лозим.

Гардеробнинг майдони бинода бир вақтда бўладиганларнинг максимал сонидан келиб чиққан ҳолда битта илгакка 0,1 m^2 ёки битта кийим илгичга 0,14 m^2 тўғри келишини ҳисобга олиб белгиланиши керак.

103. Қўл юклари учун сақлаш камераларига бўлган эҳтиёж тегишлича асосланганда, камераларни асосий бино ҳажмидан ташқарида ёрдамчи вазифадаги бинога жойлаштиришга йўл қўйилади.

104. Рухсатнома берадиган бюро хоналарининг таркиби ва майдони ходимларнинг штат сони ҳамда фойдаланиладиган техник воситаларга боғлиқ ҳолда лойиҳа топшириқ бўйича белгиланиши лозим.

105. Рухсатнома бериш учун хона майдони бир иш жойига камида 4,5 m^2, рухсатнома берадиган бюро олдидаги кутиш жойи (зонаси)нинг майдони битта туйнукка 6 m^2 тўғри келишини ҳисобга олиб белгиланиши лозим.

106. Тиббий ва ижтимоий-маиший вазифадаги хоналарнинг таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғи бўйича белгиланиши керак.

107. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларидаги таъмирлаш устахоналари ва хўжалик хоналарининг майдони ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 3-жадвалида белгиланган кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги зарур.

5-боб. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ бинолари қурилишини режалаштиришнинг конструктив ечимларига қўйиладиган талаблар

1-§. Умумий талаблар

108. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларининг хоналари қуйидаги функционал гуруҳларга бўлиниши керак:

касса тармоғи;

ҳисоблаш-амалиёт тармоғи (бухгалтерия, амалиёт зали, технологик таъминлаш хоналари, шу жумладан электрон-ҳисоблаш техникаси, алоқа аппаратураси ва криптоҳимоя ва бошқалар учун хоналар гуруҳлари);

маъмурият ва бошқа бўлимларнинг иш хоналари;

ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналар;

муҳандислик-техник вазифадаги хоналар.

109. Амалиёт зали ишчи жойлари (зоналари)нинг ўзаро жойлашиши ҳужжатлар алмашинуви учун қулай режалаштирилиши лозим.

2-§. Ҳисоб-китоб амалиёт зали

110. Ҳисоб-китоб амалиёт зали қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

мижозлар учун мўлжалланган жой (зона) ва банк операционистларининг (кассир-операционист) хизмат жойи (зонаси) таркибидаги амалиёт зали;

ҳисоблаш банк амалиётларини ўтказувчи бўлимлар учун хоналар;

электрон-ҳисоблаш техникаси, алоқа аппаратураси ва криптоҳимоя учун хоналар гуруҳи.

111. Мижозларга хизмат кўрсатувчи операторлар жойлашган амалиёт залининг хизмат кўрсатиш зонаси мижозлар зонасидан тўсиқ билан ажратилиши керак.

112. Тўсиқ 0,4-0,5 m кенгликда горизонтал ҳолатда ўрнатиладиган тахтадан тайёрланиши ва полдан 1,15 m баландликда жойлашиши, бунда тўсиқ устига ҳужжатларни узатиш учун туйнукка эга бўлган ойна ўрнатилиши зарур.

113. Мижозларнинг банк маълумотларини ҳимоя қилиш мақсадида, тўсиқ бўйлаб жойлашган мижозларга хизмат кўрсатиш жойларини бир-биридан товуш ютувчи қопламали 1,8 m баландликдаги экранлар билан ажратишга йўл қўйилади.

114. Амалиёт залидаги хизмат жойи (зонаси)нинг майдони ҳар бир ходимга камида 6 m^2 тўғри келишини ҳисобга олиб белгиланиши лозим.

115. Кутиш зали майдони ҳамда амалиёт залидаги мижозларга ажратилган ҳудуд (зона) майдонини мижозларга бевосита хизмат кўрсатадиган ҳар бир ходим учун 6 m^2 ҳисобидан белгилашга йўл қўйилади.

116. Кутиш залига ёки унинг олдидаги махсус хонага хат-ҳужжатларга мўлжалланган абонент катакларига эга бўлган бўлмаларни жойлаштириш учун қўшимча майдон бўлмаларнинг сонига боғлиқ ҳолда белгиланиши керак.

117. Ҳисоб-китоб амалиётлари ходимлари учун мўлжалланган умумий иш хоналарининг майдони индивидуал иш жойларини ПЭҲМ билан жиҳозлаган ҳолда битта иш жойига 6 m^2 дан кам бўлмаган майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгилаш зарур.

118. Алоқа воситалари, криптоҳимоя қурилмаси ва ЭҲМ локалли тармоқларининг марказий қурилмалари учун хоналар таркиби ва майдони лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши керак.

Хоналарнинг талаб этиладиган майдонларини ҳисоблашда жиҳозларни монтаж ва улардан фойдаланишга қўйиладиган техник талаблар ҳамда хонадаги битта индивидуал иш жойи учун қуйидаги ҳисобий кўрсаткичларга риоя қилиниши лозим:

оператор учун — 6 m^2;

дастурчи учун — 6 m^2;

техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича ходим учун — 8 m^2.

3-§. Маъмурий хоналар

119. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларидаги маъмурий хоналар таркибига раҳбарлар учун хоналар (кабинетлар) ва қабулхоналар, шунингдек бўлинмалар ходимларининг умумий иш хоналари киритилиши зарур.

120. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ раҳбарлари учун хоналар ва қабулхоналарнинг майдони улардаги ходимлар сони 300 нафардан кам бўлганда ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 4-жадвалига мувофиқ белгиланиши лозим.

121. Раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари хоналари умумий қабулхонага эга бўлиши, мазкур қабулхона майдони раҳбар қабулхонаси майдонини 6 m^2 га ошириш (кенгайтириш) йўли билан аниқланиши керак.

122. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари хоналарининг майдони бўлинмадаги ходимлар сонига боғлиқ ҳолда қуйидагича белгиланиши зарур:

7 дан кўп 12 нафаргача бўлганда — 9 — 12 m^2;

12 дан кўп 20 нафаргача бўлганда — 16 m^2;

20 дан кўп 30 нафаргача бўлганда — 18 m^2;

30 нафар бўлганда — 24 m^2.

123. Бўлинма ходимлари сони 7 нафаргача бўлганда, раҳбарнинг иш жойи умумий иш хонасига жойлаштирилиши лозим.

124. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ бўлимлари умумий иш хоналарининг майдони ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 2-жадвалига мувофиқ белгиланиши зарур.

125. Бошлиқ, унинг ўринбосари, бош бухгалтер хоналари, шунингдек ташриф буюрувчиларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган бўлимлар хоналарининг жойлашиши мазкур хоналарнинг вестибюль ва амалиёт зали билан қулай боғланишини таъминлаши лозим.

4-§. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларидаги ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналарга қўйиладиган талаблар

126. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларида архив хоналарини лойиҳалашда ушбу ШНҚнинг 72-бандидаги талабларга риоя қилиниши лозим.

127. Оргтехника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, ўраш материаллари сақланадиган хоналарнинг таркиби, майдонлари ҳамда уларни жиҳозлашга қўйиладиган талаблар лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

128. Канцелярия товарларини сақлаш хонасининг майдони бир нафар ходимга 0,1 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши ҳамда материалларни қабул қилиш ва тарқатиш жойи (зонаси) учун 4,5 — 6 m^2 қўшилиши керак.

129. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларида ошхоналарни лойиҳалашда қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

ходимларнинг ҳисобий сони 50 кишидан кам бўлганда, овқатланиш хонасини;

ходимлар сони 50 — 100 киши бўлганда, буфетни;

ходимлар сони 100 дан 200 кишигача бўлганда, лойиҳа топшириғи бўйича умумий овқатланиш майдонини;

ходимлар сони 200 ва ундан кўп бўлганда СанҚваН 0350-17, СанҚваН 0339-16га мувофиқ.

130. Овқатланиш хонасининг майдони хизмат кўрсатиладиган ҳар бир кишига 0,8 m^2 тўғри келишини ҳисобга олиб белгиланиши лозим.

131. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларида буфет ёки ошхонадаги хоналар таркиби ҳамда майдонлари ШНҚ 2.08.02-23 талабларига мувофиқ белгиланиши, бунда СанҚваН 0350-17, СанҚваН 0339-16, СанҚваН 0027-22 талаблари ҳисобга олиниши зарур.

132. Иш вақтида юқори даражадаги диққат ва эътиборни талаб қиладиган ходимлар учун дам олиш хоналари ушбу ШНҚ 95-бандининг талаблари инобатга олиниши лозим.

133. Махсус дам олиш хоналари ушбу ШНҚнинг 96-бандига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

134. Мажлислар ва музокаралар учун мўлжалланган хоналардаги жойлар сони ушбу ШНҚнинг 79-бандига мувофиқ бўлиши лозим.

135. Мажлислар ва музокаралар ўтказиладиган хоналарнинг майдони ушбу ШНҚ нинг 77-бандига ва столсиз ҳар бир қўшимча жой учун майдон ушбу ШНҚнинг 78-бандига мувофиқ белгиланиши зарур.

136. Ходимлар сони 100 ва ундан кўп бўлганда, қўшимча равишда йиғилиш залини лойиҳалашга йўл қўйилади.

Бунда, мазкур залнинг сиғими ходимлар сонининг 70 — 80 фоизига мўлжалланган бўлиши керак.

137. Йиғилиш залининг майдони (президиум жойини киритган ҳолда) ушбу ШНҚнинг 80-бандига мувофиқ белгиланиши лозим.

138. Асосий кириш жойи узелининг хоналарини ушбу ШНҚнинг 98 — 105-бандларида келтирилган талабларга мувофиқ лойиҳалаш зарур.

139. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларида санитария узелларининг сони ходимлар сони ҳамда эркак ва аёллар нисбатига боғлиқ ҳолда белгиланиши, бироқ иккитадан кам бўлмаслиги зарур.

140. Санитария узелларидаги сантехника жиҳозлари сони ушбу ШНҚнинг 89-бандига мувофиқ белгиланиши керак.

141. Аёлларнинг шахсий гигиена хонаси ушбу ШНҚнинг 90-бандига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

142. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларидаги ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналарнинг майдонлари ушбу ШНҚнинг 1-иловаси 5-жадвалида келтирилган кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги лозим.

6-боб. Тижорат банклари биноларини лойиҳалашга қўйиладиган талаблар

1-§. Тижорат банклари биноларининг ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларига қўйиладиган талаблар

143. Тижорат банклари биноларининг ер усти қаватлари сони лойиҳа топшириғига мувофиқ аниқланиши лозим.

144. Тижорат банклари биноларининг ер ости қаватлари сони (цокол қаватни киритган ҳолда) учтадан ошмаслиги зарур.

145. Янги қурилиши режалаштирилган тижорат банклари биноларидаги хоналарнинг баландлиги ушбу ШНҚнинг 46-бандига мувофиқ бўлиши керак.

146. Мавжуд бинолардан тижорат банки сифатида фойдаланилганда, хоналарнинг баландлиги уларнинг ҳақиқий (мавжуд) баландлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, бироқ хоналарнинг соф баландлиги 2,5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

147. Тижорат банклари турар жой биносининг олдига қурилган блокка жойлаштирилганда, хоналар баландлигини яшаш хоналарининг баландлигига тенг қилиб белгилаш (амалиёт зали ҳамда инкассация автомашиналари учун бокслар бундан мустасно) зарур.

148. Амалиёт залининг баландлиги лойиҳа топшириғи ва инкассация автомашиналари учун боксларнинг баландлиги ушбу ШНҚнинг 48-бандига мувофиқ белгиланиши керак.

149. Тижорат банклари биноларида йўлак (коридор)ларнинг баландлиги ушбу ШНҚнинг 47-бандига мувофиқ белгиланиши лозим.

Янги қурилиши режалаштирилган тижорат банклари биноларидаги йўлак (коридор)ларнинг эни ШНҚ 2.07.02-24 га мувофиқ белгиланиши, реконструкция қилинаётган тижорат биноларида эса 1,2 m дан кам бўлмаслиги керак.

150. Эвакуация йўлларидаги эшик ўринларининг баландлиги пол сатҳидан 2,15 m дан кам бўлмаслиги зарур.

151. Тижорат банки биноларидаги техник ертўла баландлиги ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ бўлиши лозим.

152. Тижорат банклари биноларида лифтлар ушбу ШНҚнинг 50-бандига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

153. Тижорат банклари биноларида атриумларни лойиҳалашга йўл қўйилади.

154. Тижорат банклари биноларига кириш ҳамда улардан чиқиш жойларининг сони ШНҚ 2.01.02-04 талабларига мувофиқ белгиланиши зарур.

155. Қурилиш конструкциялари, эшиклар, деразалар ва дераза панжараларининг бузилишга қарши мустаҳкамлигини таъминлашга қўйиладиган талаблар лойиҳа топшириғига асосан белгиланиши керак.

Панжарали ҳимоя эшиклари ва дераза панжараларига қўйиладиган техник талаблар ушбу ШНҚнинг 5-иловасида келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ бўлиши зарур.

156. Тижорат банклари бинолари (хоналари)ни лойиҳалашда ШНҚ 2.07.02-24 талаблари инобатга олиниши лозим.

157. Тижорат банклари биноларининг хоналари қуйидаги функционал гуруҳларга бўлиниши керак:

касса блоки (касса зали, касса тармоғи ва депозитарийлар);

ҳисоб-китоб ва амалиёт блоки (амалиёт заллари ва бухгалтерия);

тижорат банки ишини автоматизациялаш бўлинмаларининг хоналари (ахборот-ҳисоблаш маркази ва пластик карталар бўйича процессинг маркази);

хоналар ва умумий иш хоналари;

ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш хоналари.

158. Қимматликлар сақланадиган хоналарнинг ҳимоя қобиғи қуйма пўлат-фибробетондан ёки йиғма металл ёхуд кўп қатламли конструкциялардан тайёрланишига йўл қўйилади.

Бунда, ШНҚ 2.01.07-96, ШНҚ 2.03.01-24 ва ҚР 03.01-23 талаблари инобатга олиниши, пўлат-фибробетондан ишланган ҳимоя тўсувчи конструкцияларнинг параметрлари ушбу ШНҚнинг 4-иловасига мувофиқ аниқланиши лозим.

159. Депозитарий мижозларнинг қимматликларини сақлаш учун омборхонани (индивидуал сейфлар билан биргаликда) ва олдхонани ўз ичига олиши керак.

100 дан ортиқ сейф катакчалари бўлган депозитарийларда қўшимча равишда қуйидаги хоналар ташкил этилишига йўл қўйилади:

асосий картотека билан таъминланган ходимнинг иш жойи билан шлюз хонаси;

мижозларнинг якка тартибда ишлаши учун кабиналар;

мижозлар учун кутиш хонаси.

160. Депозитарийларга кириш назорат шлюзи орқали индвидуал равишда амалга оширилиши керак.

161. Мижозлар учун кутиш жойи (хонаси) назорат шлюзи олдида жойлашиши лозим.

162. Тижорат банки ходимларининг мижозлар билан индивидуал ишлаш учун битта кабинанинг майдони 3 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

2-§. Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб амалиёт блоки

163. Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб амалиёт блоки ўз таркибига амалиёт заллари ва ҳисоблаш-амалиёт (бухгалтерия) ходимлари учун мўлжалланган хоналар киритилиши керак.

164. Тижорат банкларида ва уларнинг филиалларида амалиёт-касса заллари лойиҳаланиши лозим.

Бунда, жиҳозлар баландлиги ШНҚ 2.07.02-24 га мувофиқ белгиланиши лозим.

165. Амалиёт залида банк операционистлари (кассир-операнист) томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизмат тўсиқ (барьер) орқали ёки мустақил (автоном) иш жойларида амалга оширилиши, амалиёт залларида улар учун иш жойлари бўлиши зарур.

166. Амалиёт залида мижозларга хизмат кўрсатиш жойи (зонаси) ва хизмат жойи (зонаси)нинг майдони ушбу ШНҚнинг 114 ва 115-бандларига мувофиқ белгиланиши зарур.

167. Амалиёт ходимлари учун мўлжалланган жой (зона) майдони ҳар бир операционист учун ушбу ШНҚнинг 117-бандига мувофиқ белгиланиши лозим.

168. Ташриф буюрувчилар учун амалиёт залини биринчи қаватга жойлаштириш лозим.

Амалиёт залига ташриф буюрувчилар учун ташқаридан кириш жойлари бўлиши керак.

Тижорат банки ходимлари ҳамда қимматликларни етказиш учун амалиёт залига ўтиш банкнинг хизмат хоналари орқали амалга оширилиши керак.

169. Ташриф буюрувчилар учун амалиёт залига ташқаридан (кўчадан) алоҳида кириш жойи мавжуд бўлмаган ҳолларда, асосий кириш жойидаги тамбур орқали кириш жойи лойиҳаланиши ва уни бинодаги назорат шлюзигача бўлган майдончага жойлаштириш лозим.

170. Жисмоний шахслар учун амалиёт залининг майдони ушбу ШНҚнинг 117-банди бўйича белгиланиши керак. Бунда, амалиёт залининг майдони унда банкоматлар, валюта айирбошлаш автоматлари ўрнатилганда, зал майдони битта аппаратга 3 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда кенгайтириш зарур.

171. Ҳисоблаш амалиёти (бухгалтерия) ходимлари учун хоналар майдони ҳар бир иш жойига 6 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим. Бунда, бош бухгалтер хонасининг майдони 12 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

172. Пулларни кирим-чиқим қилиш ҳужжатларини кодли ҳимоя қилиш хонасининг майдони битта иш жойига камида 4,5 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши, бироқ 12 m^2 дан кам бўлмаслиги лозим.

3-§. Банк ишини автоматлаштириш бўлинмаларининг хоналари ҳамда Ахборот-ҳисоблаш маркази ва пластик карталар бўйича процессинг марказига қўйиладиган талаблар

173. Ахборот-ҳисоблаш маркази хоналарининг таркиби ва майдонлари ҳар бир муайян (конкрет) ҳолда банк ишининг технологик ҳамда фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларига асосланган ҳолда лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши зарур.

174. Ахборот-ҳисоблаш марказига қуйидаги хоналар киритилиши керак:

маълумотларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш маркази (тизим марказий блоки (сервер) хоналари;

электрон-ҳисоблаш техникаси операторлари хоналари;

банклараро электрон ҳисоб-китоб хизмати хоналари;

тез ишлайдиган алифбо-рақамли босма қурилмалар учун хоналар;

кириш-кабелли жиҳозлар ва каналли телекоммуникация жиҳозлари учун хоналар;

дастур таъминоти бўлинмалари (дастурчилар хонаси, магнитли ахборот ташигичлар учун архив хонаси);

ҳисоблаш техникаси ва техник воситаларга хизмат кўрсатувчи сервис хизмати хонаси;

молия хавфсизлиги хизмати хоналари (персонализация хоналари, индентификация карталари тайёрланадиган хоналар, ламинацияланган карталарга ишлов бериш ва сақлаш хоналари);

электрон маълумотни криптографик ҳимоя қилиш хизмати, криптоҳимоя аппаратураси хонаси;

алоқа воситалари хоналари гуруҳи (телекоммуникация техникаси воситалари хонаси (почта серверлари), сунъий йўлдош (спутник) алоқаси, махсус алоқа хонаси, операторлар хонаси);

пластик карталар бўйича процессинг маркази хоналари (пластик карталар эмиссияси маркази хоналари, авторизация хоналари, импринтерлар тайёрлаш бўйича устахона, қоғоз ва магнитли ахборот ташигичларни сақлаш архив хонаси).

175. Ҳисоб-китоб-касса марказининг барча хоналари ихчам (бир-бирига қулай боғланган ҳолда) жойлаштирилиши лозим.

176. Сервер ва криптоҳимоя қурилмалари хоналари бинонинг ташқи деворларига бирикмаган ички қисмига жойлаштирилиши лозим.

177. Тижорат банкида дилинг заллари бўлганда, телекоммуникация техникаси воситалари хоналари ушбу заллар ёнига жойлаштирилиши керак.

178. Тижорат банки филиалининг автоматлаштириш бўлими хоналарига қуйидаги хоналарни киритиш зарур:

банкнинг бош ЭҲМ (сервер) хонаси;

операторлар хонаси;

дастурчилар хонаси;

муҳандис-электрончи ходимлар хонаси (таъмирлаш жойи (зонаси)га эга бўлган) ёки машиналарни таъмирлаш хонаси;

магнитли ахборот ташигичлар архиви;

иш-хизмат жараёнида ишлатиладиган материалларни сақлаш хонаси.

179. Тижорат банки ишини автоматлаштириш хизмати хоналарининг майдони битта иш жойига қуйидаги майдон кўрсаткичлари тўғри келишини ҳисобга олиб белгиланиши лозим:

ЭҲМ оператори учун — 5 m^2;

дастурчи учун — 6 m^2;

техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича ходим учун — 6 m^2.

180. Компьютер-сервер хонаси майдони қўлланиладиган компьютер жиҳозларининг техник ва фойдаланиш тавсифларидан келиб чиққан ҳолда сервер жойлари (зоналари)ни ҳисобга олиб белгиланиши керак.

Компьютер-сервер хонаси майдони янги тижорат банки биноларини қуришда 12 m^2 ва мавжудларини реконструкция қилиш шароитларида 6 m^2 дан кам бўлмаслиги зарур.

181. Магнитли ахборот ташигичлар архивининг майдони 3 m^2 ни ташкил этиши, иш-хизмат жараёнида ишлатиладиган материалларни сақлаш хонасининг майдони эса 8 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

4-§. Тижорат банкларининг маъмурий ва хизмат хоналари

182. Тижорат банкларининг марказий биноларида раҳбарлар учун мўлжалланган хоналар ва қабулхоналар майдони ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 2-жадвалига, филиаллари биноларидаги раҳбарлар учун мўлжалланган хоналар ва қабулхоналар майдони ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 1-жадвалига асосан белгиланиши керак.

183. Тижорат банклари раҳбарларининг хонаси олдида дам олиш хонаси ушбу ШНҚнинг 60-бандига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

184. Бўлим раҳбарлари учун хоналарнинг майдони қуйидагича бўлиши керак:

бўлим ходимлари сони 5 дан 10 нафаргача бўлганда — 12 m^2;

бўлим ходимлари сони 10 дан 15 нафаргача бўлганда — 16 — 18 m^2;

бўлим ходимлари сони 15 дан 25 нафаргача бўлганда — 18 — 20 m^2.

185. Бўлим ходимлари сони 5 нафаргача бўлганда бўлим раҳбарининг иш жойи ушбу ШНҚнинг 62-бандига мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

186. Бўлимлар хоналаридаги умумий иш жойларининг майдони битта иш жойига камида 6 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

187. Бўлим раҳбарининг иш жойи умумий иш хонасига жойлаштирилганда ушбу иш жойининг майдони 8 m^2 дан кам бўлмаслиги зарур.

188. Ходимлар сони 8 нафардан ортиқ бўлган умумий иш хоналарини товуш ютувчи материаллар билан пардозлаш лозим.

189. Инкассация бўлимига тегишли хоналарнинг ўлчамлари қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак:

инкассация хизматини самарали тарзда ташкил этиш учун қулай шароитларни яратиб бериш;

ишлар ҳажми ва ходимлар сони.

5-§. Тижорат банкларининг ёрдамчи ва хўжалик хоналарига қўйиладиган талаблар

190. Тижорат банкларининг ёрдамчи ва хўжалик хоналарига қуйидагиларни киритиш зарур:

мажлис ва музокаралар ўтказиладиган хоналар;

ҳужжатларни сақлаш, қайта ишлаш ва кўпайтириш учун хоналар (архив, экспедиция (девонхона), машина бюроси, нусха олиш ва кўпайтириш хоналари);

кириш гуруҳи (гардероб, кутиш жойи ва вестибюль) хоналари;

умумий овқатланиш хоналари;

таъмирлаш устахоналари ва хўжалик хоналари;

санитария-маиший хоналар.

191. Мажлислар ва музокаралар учун хоналар гуруҳига қуйидагилар киритилиши керак:

тижорат банки бошқаруви мажлислари зали (сервер ва ёрдамчи хона билан биргаликда);

раҳбарият хоналари олдида жойлашган мажлислар зали;

мижозлар билан мулоқот қилиш хоналари (ташриф буюрувчилар кўп бўладиган хоналар яқинига ёки алоҳида блокка жойлаштириладиган);

йиғилиш зали.

192. Мажлислар ва музокаралар учун хоналар гуруҳига кирадиган хоналарнинг майдонлари ҳамда улардаги ўрин-жойлар сони лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши керак.

193. Раҳбарият хоналари олдида жойлашган мажлислар залида доимий иштирок этувчилар учун жойлар стол атрофида, таклиф этилганлар учун курсилар (стуллар) қатори назарда тутилиши, бунда мазкур зал майдони стол атрофида битта жойга 2 m^2, курсилар (стуллар) қаторида битта жойга 1 m^2 тўғри келиши лозим.

194. Тижорат банклари биноларида молиявий ҳужжатларни сақлаш ва иш юритиш архиви учун алоҳида хоналар лойиҳаланиши зарур.

195. Тижорат банки биноларида фавқулодда вазиятларда ҳужжатларни эвакуация қилиш қулай бўлиши учун молиявий ҳужжатлар сақланадиган архив хоналарини биринчи қаватга жойлаштириш керак.

196. Архив хоналарининг майдонлари ҳужжатлар ҳажми ва уларни сақлаш усулига боғлиқ ҳолда лойиҳа топшириғига асосан белгиланиши лозим.

197. Архив хоналаридаги деворлар ва эшикларнинг бузилишга қарши мустаҳкамлик синфи лойиҳа топшириғига асосан аниқланиши керак.

198. Экспедиция хонаси (девонхона)нинг майдони битта иш жойига 8 m^2 ва машина бюроси хоналари, шунингдек ПЭҲМ жойлаштириладиган хоналар майдони битта иш жойига 4,5 m^2 тўғри келишини ҳисобга олиб белгиланиши лозим.

199. Нусха олиш ва кўпайтириш хизмати таркибига қуйидагилар кириши керак:

ксеро-нусхалаш жойи (участкаси);

оператив полиграфия хизмати.

200. Ҳужжатларни ксеро-нусхалаш жойининг майдони ушбу ШНҚнинг 70-бандига мувофиқ белгиланиши зарур.

201. Оператив полиграфия хизмати хоналари ушбу ШНҚнинг 71-бандига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

202. Кириш хоналари гуруҳига қуйидагилар киритилиши лозим:

вестибюль;

аванвестибюль (гардероб ва қўлда олиб юриладиган буюмларни сақлаш камераларига эга бўлган);

ўтказиш жойи (бюроси).

203. Вестибюль майдони лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

204. Гардероб ва қўлда олиб юриладиган буюмларни сақлаш камераларининг майдони ушбу ШНҚнинг 102 ва 103-бандлари талаблари бўйича белгиланиши зарур.

205. Ўтказиш жойидаги хизмат хонасининг майдони битта иш жойига 4 m^2, ўтказиш жойи олдидаги кутиш жойи (зонаси)нинг майдони битта ўтказиш туйнуги (дарчаси)га 6 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак (агар кутиш жойи (зонаси) аванзалнинг бир қисми деб ҳисобланса).

206. Ўтказиш жойини ташқаридан кириладиган алоҳида кириш жойига эга бўлган ҳолда лойиҳалашга йўл қўйилади.

207. Тижорат банкларида буфет, умумий овқатланиш майдони, ошхона ушбу ШНҚнинг 129-бандига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

208. Овқатланиш хонасининг майдони ушбу ШНҚнинг 130-бандига мувофиқ белгиланиши керак.

209. Тижорат банкларидаги ошхонанинг ўрин-жойлар сони ходимлар сонининг 25 фоизини қамраб олиши зарур.

210. Бухгалтерия ҳамда амалиёт заллари яқинида қатъий ҳисобот бланкаларини сақлаш хонаси назарда тутилиши ва унинг майдони 6 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

211. Канцелярия товарларини сақлаш хонасининг майдони ушбу ШНҚ нинг 128-бандига мувофиқ белгиланиши зарур.

212. Канцелярия товарларини сақлаш хонасини ишлаб чиқариш вазифасида ишлатиладиган материалларни сақлаш хонаси билан бирлаштиришга йўл қўйилади.

213. Сарфланадиган материалларни сақлаш майдони уларнинг оператив захира ҳисоб-китоб қилинган ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳа топшириғи орқали аниқланиши керак.

214. Тижорат банки биносининг таъмирлаш устахоналари ва хўжалик хоналарининг майдонлари ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 3-жадвалида келтирилган майдонлардан кам бўлмаслиги керак.

215. Тозалаш анжомлари (инвентари)ни сақлаш учун хоналар ҳар бир қаватда камида 1,5 m^2 майдон билан лойиҳаланиши зарур.

216. Тозалаш анжомлари (инвентари)ни сақлаш учун хоналар санитария узеллари яқинида жойлашиши керак.

217. Тижорат банклари биноларида қаватдаги ишловчилар сонидан қатъи назар, эркаклар ва аёллар учун санитария узеллари ушбу ШНҚнинг 88-бандига мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

218. Санитария узелларининг иш хоналаридан узоқлиги 75 m дан ошмаслиги, улардаги жиҳозлар сони ушбу ШНҚнинг 89-бандига мувофиқ бўлиши лозим.

219. Алоҳида санитария узеллари мустақил (автоном) функция юритадиган бўлинмалар, инкассация жойлари ва мижозлар кириши тақиқланган амалиёт ходимларининг техник хоналари учун лойиҳаланиши лозим.

220. Мижозлар учун вестибюль олдида эркаклар ва аёллар учун биттадан санитария узели лойиҳаланиши зарур.

221. Тижорат банки муассасасидаги ҳайдовчилар, гардеробчилар, бинога техник хизмат кўрсатувчи ишчи-ходимларнинг дам олишига мўлжалланган хона майдони ушбу ШНҚнинг 97-бандига мувофиқ белгиланиши керак.

222. Хизмат кўрсатувчи ходимлар учун гардероб хоналари муҳандислик тизимларига хизмат кўрсатувчи ишчи-ходимлар ва хоналарни тозаловчи ходимларнинг жами сонига мўлжалланиши, бунда уларнинг майдони бир кишига 1,2 m^2 тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

223. Тижорат банкларининг туман филиаллари биноларида ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш вазифасидаги хоналар майдони ушбу ШНҚнинг 2-иловаси 4-жадвалида келтирилган кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги зарур.

7-боб. Муҳандислик таъминоти тизимлари

1-§. Сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига қўйиладиган талаблар

224. Банк муассасалари биноларининг совуқ ҳамда иссиқ сув таъминоти, оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқлари ва бошқа муҳандислик тизимлари ШНҚ 2.04.01-22, ШНҚ 2.04.05-22, шунингдек ушбу ШНҚ талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

225. Лойиҳа топшириғи бўйича банк муассасаларининг алоҳида истеъмолчилари учун иссиқ сув таъминотининг мустақил (автоном) манбаларини кўзда тутишга йўл қўйилади.

226. Сервер ва молиявий ҳужжатлар сақланадиган архив хоналаридан совуқ ҳамда иссиқ сув таъминоти, оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

227. Инкассация автомашиналари учун боксларда муз эриши ва автомобиллар устидаги қор эришидан ҳосил бўладиган сувни оқизиш тармоқлари лойиҳаланиши лозим.

2-§. Иссиқлик таъминоти, иситиш, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш тизимлари

228. Банк муассасалари биноларининг иссиқлик таъминоти, иситиш, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш тизимлари ШНҚ 2.04.05-22 ҳамда ушбу ШНҚ талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

229. Ахборотлаштириш бўлинмаларининг хоналарида ҳавони технологик кондиционерлаш тизими лойиҳаланиши керак.

230. Банк муассасалари биноларини иссиқлик таъминотининг ташқи тармоқлари ёки мустақил (автоном) иссиқлик манбалари орқали иссиқлик билан таъминлашга йўл қўйилади.

231. Банк муассасалари жиҳозларининг ишлашига халал берадиган алоҳида хоналарнинг иситилишини тўхтатиш мумкин бўлмаган ҳолларда, бундай хоналар захира иссиқлик манбаидан иситилиши зарур.

232. Узлуксиз иситишни талаб этувчи хоналар рўйхати лойиҳа топшириғида кўрсатилиши керак.

233. Банк муассасалари биноларида сув билан иситиш тизими, панжаралар ўрнатиладиган хоналарда тортувчи вентиляцияга қўшилган ҳаволи иситиш тизими лойиҳаланиши лозим.

234. Иситиш тизими ишдан ташқари вақтда иссиқлик қуввати камайтирилишини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак. Бунда, ҳаво ҳароратининг пасайиши технологик жиҳозлар ишлашига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур.

235. Қимматликлар сақланадиган хоналарда, уларнинг кириш жойларида ва кузатув йўлакларида сув тўлдирилган қувурларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Мажбурий қайта қуриш ёки мукаммал таъмирлаш ҳолатларида, фақатгина беркитиш ва ростлаш фитингларсиз пайвандланган пўлат қувурлардан фойдаланиш шарти билан транзит (ташувчи) қувурларни ўтказишга йўл қўйилади.

236. Амалиёт залларини, шунингдек ички қурилган ошхоналарни иситиш алоҳида тармоқлар ва ҳароратни автоматик ростлайдиган тармоқлар орқали амалга оширилиши лозим.

237. Банк муассасалари бинолари хоналаридаги ҳаво ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги ушбу ШНҚнинг 3-иловаси жадвалига мувофиқ белгиланиши зарур.

238. Банк муассасалари биноларида ҳавони кондиционерлаш тизимларини танлаш техник-иқтисодий баҳолаш асосида амалга оширилиши лозим.

239. Ҳисоблаш техникаси воситалари хоналарида, шунингдек амалиёт залларида ҳавони сунъий ҳайдаш қурилмалари мавжуд бўлганда, мустақил ҳавони тортувчи тизимлар лойиҳаланиши зарур.

240. Сургучни қиздиришга мўлжалланган қурилмалар ўрнатилган жойларда ва зарарли газлар ажралиб чиқиши билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолларда мустақил (муайян, маҳаллий) ҳаво тортувчи тизимлар лойиҳаланиши керак.

241. Хоналарга йўлак (коридор)лар, холлар ёки эшиклар билан ажратилган хоналар орқали ҳаво беришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

ҳаво алмашинувининг норматив карралиги 1 h да 1,5 дан ошмаганда;

мазкур хоналарда бирлаштирувчи махсус вентиляция тешиклари қурилганда.

242. Ҳавони чиқариш учун вентиляция улаш деталлари (уткалар)ни ҳаво тортувчи тешикларга қарама-қарши жойлашган деворга бириккан шифт остига ва пол атрофида жойлаштириш керак.

243. Вентиляция улаш деталлари (уткалар) 76 × 3,5 дан 100 × 4,5 mm ўлчамда пўлат қувурлардан тайёрланиши ҳамда панжаралар ўрнатиладиган хоналарга қарама-қарши бўлган томонга қия ҳолатда ўрнатилиши зарур.

244. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланган хоналарнинг вентиляция тизимларида қуйидагилар бўлиши керак:

ёнғин сигнализацияси тизимининг камида иккита ёнғин хабарлагичи ишлаб кетганда вентиляциянинг ўчирилиши;

ҳаво ҳайдаш қувурларига ёнғин тарқалишига тўсқинлик қилувчи ҳамда герметиклаштирувчи қопқоқ ҳамда клапанлар ўрнатилиши ва ёнғин рўй берганда уларнинг автоматик ёпилиши;

газли ўт ўчириш моддалари берилган вақтда ва берилгандан кейин қўшни хоналарга тутун ҳамда газларнинг сиқиб чиқарилмаслиги;

одамлар қисқа вақт давомида бўладиган хоналарни вентиляция қилишда ушбу ШНҚ нинг 6-иловаси 2-жадвали бўйича аниқланадиган ўт ўчирувчи газнинг хавфсиз концентрацияларига (углерод икки оксиди учун 5 фоиз ва азот учун 83 фоиз) эришилишини таъминловчи вентиляция вақти;

ёнғиндан кейин ҳимоя қилинувчи хоналардан тутун ва газлар соатига камида 3 каррали ҳаво алмаштириш ҳажмида чиқарилиши.

Ёнғиндан кейин ҳимоя қилинувчи хоналардан тутун ва газлар соатига камида 3 каррали ҳаво алмаштириш ҳажмида чиқарилиши учун автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси ишлаб кетганда ёниш маҳсуллари ва газни бевосита ҳимоя қилинувчи хонадан чиқариш учун мўлжалланган умумий алмаштириш ёки сунъий қўзғатгичли мустақил вентиляция тизимини қўллашга йўл қўйилади.

245. Банк муассасалари биноларида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги ШНҚ 2.08.02-23 га мувофиқ белгиланиши керак.

3-§. Табиий ва сунъий ёритиш тизимлари

246. Банк муассасалари биноларини табиий ва сунъий ёритиш тизимларини лойиҳалашда ШНҚ 2.01.05-24, ШНҚ 2.08.02-23, ШНҚ 2.01.01-22 ва ушбу ШНҚ талабларига риоя қилиш зарур.

247. Банк муассасалари биноларининг хоналарини ёритиш тизимларини ШНҚ 2.01.05-24 га мувофиқ лойиҳалаш керак.

248. Банк муассасалари биноларининг ер усти қаватларидаги йўлак (коридор)лар ёруғлик кармонлари орқали табиий ёруғлик билан ёритилиши лозим.

249. Эни 6 m дан ва майдони 36 m^2 дан катта бўлган амалиёт зали қўшма ёритиш усулида ёритилиши керак.

250. Ҳисоблаш техникаси ва иссиқлик манбаи ҳисобланган бошқа жиҳозлар жойлашган хоналарни қуёшдан ҳимояловчи ростланувчи қурилмалар билан ҳимоя қилиш зарур.

4-§. Электр таъминоти ва электр қурилмалари

251. Банк муассасалари бинолари ҳамда ҳудудларининг электр таъминоти тизимлари ҳамда электр жиҳозлари, шунингдек ахборотлаштириш тизимларининг электр таъминоти ва электр-техник қурилмаларини ШНҚ 2.04.17-24 ва ГОСТ 32144-2013 талабларига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

252. Банк муассасалари биноларини лойиҳалашда электр энергиясини истеъмол қилувчи электр қурилмалари ШНҚ 2.04.17-24, ЭУТҚ га мувофиқ I ишончлилик тоифасига тегишли бўлиши лозим.

253. Ишончлилик бўйича I тоифадаги электр қабул қилгичларга қуйидагилар киритилиши лозим:

технологик жиҳозлар ва касса тармоқларининг ишчи ёриткичлари;

ҳаво тортувчи қурилмалар ва ёнғин рўй берганда тутун чиқарувчи вентиляция ўрнатмалари;

иккинчи қаватга чиқадиган технологик лифтлар;

хабар бериш воситалари;

қимматликларни ташиш йўлларининг ишчи ёриткичлари;

банк муассасаси биносининг муҳандислик тизимлари ва техник воситаларини бошқариш бўйича диспетчерлик хонасининг ишчи ёриткичлари.

254. Ишончлилик бўйича I тоифадаги электр қабул қилгичларнинг алоҳида гуруҳига қуйидагилар киритилиши керак:

ёнғин ўчириш насослари;

электрон-ҳисоблаш ва компьютер техникаси воситалари, маълумотларни узатиш (бериш) аппаратураси;

телекоммуникация ва сунъий йўлдош (спутник) алоқаси тизимларининг жиҳозлари;

ёнғин сигнализацияси тизими;

автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари;

узлуксиз ишлайдиган (энергия билан таъминланадиган) манбаларга эга бўлган хоналардаги совитиш ва вентиляция тизимлари;

алоқа воситалари, пневмопочта жиҳозлари;

авария ҳолатларида касса тармоғи, амалиёт ва касса залларини ёритиш тизими (қурилмаси);

қимматликларни ташиш йўлларининг ишчи ёриткичлари;

авария ҳолатларида муҳандислик тизимлари ва техник воситаларни бошқариш бўйича диспетчерлик хоналарининг ёриткичлари;

банк муассасалари бошлиқлари хоналарининг авариявий ёриткичлари;

барча қаватларга чиқувчи технологик лифтлар.

255. Ишончлилик бўйича I тоифанинг ушбу ШНК 253 ва 254-бандларида келтирилганларни электр энергияси билан таъминлашда УЭТТ амалга оширувчи схема асосида лойиҳаланиши зарур.

256. УЭТТ истеъмолчиларни ЗАУҚга эга бўлган ташқи электр таъминотининг иккита мустақил манбаларидан электр энергияси билан таъминлаши, ташқи кириш жойларида кучланиш бўлмаган ҳолларда истеъмолчилар мустақил (автоном) автоматлаштирилган ДЭСдан электр билан таъминланиши лозим.

257. Узлуксиз электр таъминоти тизими истеъмолчилар (ёриткичлар, компьютер техникаси, насослар ва бошқаларни)ни нормал шароитда КЭТТдан УЭТТ орқали электр энергияси билан таъминлаши, кириш қисмларида кучланиш йўқлигида УЭТТ таркибига кирувчи аккумулятор батареялари энергияси ҳисобига электр таъминотини амалга ошириши керак.

258. Узлуксиз таъминлаш манбаларининг мустақил (автоном) режимда ишлаш вақти ДЭСдан электр билан таъминлашга ўтгунга қадар истеъмолчиларни узлуксиз электр билан таъминлаши зарур.

259. Электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш тизимлари марказий, локалли ва аралаш усуллар бўйича қурилиши, бунда захиравий узлуксиз таъминлаш манбалари бўлиши лозим.

260. Узлуксиз таъминлаш манбаларининг сони ва қуввати электр қабул қилгичларнинг қувватига боғлиқ ҳолда аниқланиши керак.

261. Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда уларнинг ҲККМ биноларини электр энергияси билан таъминлаш ташқи электр таъминотининг иккитадан кам бўлмаган мустақил манбалари орқали амалга оширилиши лозим.

262. Трансформатор подстанцияларини банк муассасасининг қўриқланадиган ҳудудига жойлаштириш зарур.

263. Банк муассасалари биноларида фавқулодда вазиятлар юзага келганда, уларнинг ишлашини таъминлаш учун электр таъминотининг захира (резерв) манбаи сифатида ДЭС қурилмасидан фойдаланиш лозим.

264. ДЭС қурилмалари алоҳида турувчи биноларнинг ер усти ва ер ости қаватларига ҳамда қўриқланадиган ҳудуддаги махсус контейнерларга жойлаштирилиши керак.

265. Банк муассасалари биноларини лойиҳалашда ДЭС автоматик уланиш режимида УЭТТ истеъмолчиларини ва қўл ёрдамида (механик) уланиш режимида эса бошқа

истеъмолчиларни фавқулодда вазиятларда 3-мустақил электр таъминоти манбаи сифатида электр энергияси билан таъминлаши лозим.

266. Банк муассасалари биноларида қаршилиги 4 Ω дан катта бўлмаган ерга уловчи қурилма бўлиши зарур.

267. Банк муассасалари биноларнинг янги электр таъминоти тизимларини лойиҳалашда ва мавжуд электр таъминоти тизимларини реконструкция қилишда электр тармоқларини ерга улашнинг TN-S ва TN-C-S турдаги тизимлари қўлланилиши керак.

268. Ҳар бир электр қурилмасида кабелларни ерга уловчи қисқич ёки шина бўлиши, бунда қисқич ёки шинага ерга уланувчи ўтказгичлар, электр энергияси, кучланишни тенглаштириш тизимларининг кабеллари (ўтказгичлари) бириктирилиши зарур.

269. Банк муассасалари биноларидаги электр таъминоти тизимларининг ишончлилиги ҳамда хавфсизлигини ошириш учун иккита изоляция қобиғига эга (ўтказгичларнинг кўндаланг кесими юзаси лойиҳа асосида аниқланади) бўлган кабеллар ва симлар қўлланилиши керак.

270. Персонал компьютерлар, ҳисоблаш-санаш машиналари, ёритиш ва бошқа электр жиҳозларини улаш учун электр розеткалари ерга уланувчи мослама билан ўрнатилиши зарур.

271. Механизация, ёритиш, автоматизация, сигнализация ва алоқа воситаларини электр энергияси билан таъминловчи кабелларнинг кириш жойларини лойиҳалашда панжаралар ўрнатиладиган хоналарнинг деворларига диаметри 76 mm бўлган металл қувурлар ўрнатилиши лозим.

272. Кичик амперли тармоқлар учун алоҳида кириш жойлари лойиҳаланиши керак.

273. Панжаралар ўрнатиладиган хоналардаги электр тармоғини узиш тугмаларини олд хоналарга ўрнатиш, бунда олд хоналарнинг электр симлари (кабеллари) қувурлар ёки металл шланглар ичидан ўтказилиши зарур.

274. Электр ўрнатмаларини лойиҳалашда дифференциал токни сезадиган ҲЎҚ инобатга олиниши лозим.

275. ҲЎҚ ташқи ўрнатмаларни электр энергияси билан таъминловчи гуруҳли тармоқлар, юқори хавфли деб ҳисобланувчи алоҳида хоналар, ташқи ёритиш тармоқлари, юқори хавфга эга бўлмаган хоналардаги гуруҳли тармоқларга ўрнатилиши (қўлланилиши) зарур.

276. Банк муассасалари биноларининг лойиҳа топшириғида электр қабул қилгичларни мониторинг қилиш тизими инобатга олиниши керак.

277. Электр қабул қилгичларни мониторинг қилиш тизими қуйидагиларни назорат қилинишини таъминлаши зарур:

электр тармоқларининг кириш жойларида электр таъминотининг ташқи манбаларидан кучланиш борлиги ёки йўқлигини;

секцияли узиш тугмаларининг ҳолатини;

УЭТТ ҳолатини;

ДЭС ҳолатини;

ДЭС даги ёқилғининг чегаравий сатҳларини;

истеъмолчиларга мустақил (автоном) манбаларга уланганлиги (ўтганлиги) тўғрисида хабар берилишини;

авария ҳолатларида алоҳида турдаги жиҳозларнинг масофадан бошқарилишини.

ШНҚ 2.08.16-24 «Банк муассасалари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари учун мўлжалланган хоналар, шунингдек мазкур хоналар олдидаги қабулхоналарнинг майдони

1-жадвал

Хоналар номи	Хоналар ва қабулхоналарнинг майдони, (m^2), ходимлар сони қуйидагича бўлганда, (нафар)				
	300 гача	300 дан 400 гача	400 дан 500 гача	500 дан 600 гача	600 ва ундан ортиқ
Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбарининг хонаси	48	54	60	65	72
Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбари биринчи ўринбосарининг хонаси	36	42	48	54	60
Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбари ўринбосари, бош бухгалтер хонаси	24	27	30	36	40
Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбари қабулхонаси	27	27	30	36	36
Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбари ўринбосари, бош бухгалтерининг қабулхонаси	16	16	18	18	24

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ бўлимлари умумий иш жойларининг майдони

2-жадвал

Лавозими, фаолият тавсифи	Битта иш жойига тўғри келадиган майдон, m^2
Ходимлар сони 5 нафаргача бўлганда бўлим раҳбарининг иш жойи умумий иш хонасига жойлаштирилганда	8,5
Мутахассислар ва ПЭҲМни қўлловчилар, кассир	6,0
Иш вақтининг камида ўртача 25 фоизини ташриф буюрувчилар билан ишлашга сарфлайдиганлар	7,5
Ёзишмаларни қабул қилиш ва жўнатиш бўйича хоналари	8,0
Техник ижрочилар	4,5

Изоҳ. Оператив архивлар, мижозлар билан ишлаш учун жойлар ва умумий фойдаланишдаги оргтехникани ўрнатиш жойлари бевосита хизмат (иш) хоналарига жойлаштирилганда хоналарнинг ҳисобий майдони эни 1 т бўлган жавонга 1,4 m^2, ташриф буюрувчилар учун битта иш жойига 3 m^2 ва умумий фойдаланишдаги оргтехникани жойлаштириш учун 1 та стол тўғри келишини ҳисобга олиб оширилиши керак.

Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармалари биноларидаги таъмирлаш устахоналари ва хўжалик хоналари майдони

3-жадвал

Хоналар	Хоналар майдони, m^2, бинонинг умумий майдони қуйидагича бўлганда, минг m^2				
	5,0	7,5	10,0	15,0	20,0
Таъмирлаш устахоналари: электротехник	16	18	18	18	24

слесарь-механик	18	18	24	30	36
дурадгорлик	27	27	36	48	54
Хўжалик хоналари:					
хўжалик анжомлари учун	18	24	30	36	48
мебель ва жиҳозлар учун	30	36	48	54	72
таъмирлаш-қурилиш материаллари учун	24	24	27	27	36
макулатура учун хона	18	18	24	30	36

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ раҳбарлари учун хоналар ва қабулхоналарнинг майдони

4-жадвал

Хоналар номи	**Майдон, m^2, ходимлар сони қуйидагича бўлганда (нафар)**					
	25 гача	50	75	100	150	200 ва ундан ортиқ
Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ бошлиғининг хонаси	30	36	40	42	48	54
Қабулхона	12	16	18	20	24	27
Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ бошлиғи биринчи ўринбосарининг хонаси	20	24	27	30	36	36
Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ бошлиғи ўринбосарининг хонаси	12	16	16	18	18	24
Бош бухгалтернинг хонаси	16	18	24	36	36	40

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ҲККМ биноларидаги ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналарнинг майдонлари

5-жадвал

Хоналарнинг вазифаси	**Майдон (m^2), ходимлар сони қуйидагича бўлганда (нафар)**					
	25	50	75	100	150	200
Иш юритиш вазифасидаги архив хонаси	12	18	24	36	48	54
Бланкалар сақланадиган хона	18	20	24	30	36	40
Хўжалик анжомларини сақлаш хоналари	24	30	36	48	54	80
Хизмат кўрсатувчи ходимлар хоналари	18	24	30	36	48	54
Таъмирлаш устахоналари:						
электромеханик устахона	9	12	16	18	20	24
дурадгорлик устахонаси	12	18	24	36	48	54
макулатура тўплаш хонаси	12	16	18	24	30	30

ШНҚ 2.08.16-24 «Банк муассасалари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Тижорат банклари филиалларининг биноларидаги раҳбарлар учун мўлжалланган хоналар ва қабулхоналар майдони

1-жадвал

Хоналар	**Тижорат банклари филиалларининг ходимлар сонига (нафар) боғлиқ ҳолда хоналар майдони (m^2)**		
	20 гача	20 дан 100 гача	100 дан кўп бўлганда
Филиал бошлиғи хонаси	18	24	36
Қабулхона	9	12	18
Филиал бошлиғи ўринбосарининг хонаси	12	15	24

Тижорат банкларининг марказий биноларида раҳбарлар учун мўлжалланган хоналар ва қабулхоналарнинг майдони

2-жадвал

Хоналар	**Тижорат банкларининг марказий биноларидаги ходимлар сонига (нафар) боғлиқ ҳолда хоналар майдони (m^2)**			
	100 гача	100 дан 300 гача	300 дан 500 гача	500 дан кўп бўлганда
Тижорат банки раҳбарининг хонаси	30	36	48	54
Тижорат банки раҳбари ўринбосарининг хонаси	18	20	24	36
Қабулхона	12	16	18	24
Бошқарма бошлиғи хонаси	16	18	24	24

Тижорат банки биносининг таъмирлаш устахоналари ва хўжалик хоналарининг майдонлари

3-жадвал

Хоналар	Хоналар майдони (m^2) бинонинг умумий майдони қуйидагича бўлганда (минг (m^2)		
	0,5 гача	0,5 дан 1 гача	1 дан ортиқ
Дурадгорлик бўйича майда таъмирлаш ишлари учун хона	18	4	36
Механик ва электромеханик устахонаси	12	18	24
Жиҳозлар ва инвентарь сақланадиган хона	18	24	36

Тижорат банкларининг туман филиаллари биноларида ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш вазифасидаги хоналар майдони

4-жадвал

Хоналар	**Тижорат банкларининг туман филиалларидаги ходимлар сони қуйидагича бўлганда (нафар) хоналар майдони (m^2)**		
	20 гача	20 дан 50 гача	50 дан 100 гача

Молиявий ҳужжатлар архиви	18	24	36
Иш юритиш ҳужжатлари архиви	8	12	18
Бланкалар сақланадиган хона	6	9	12
Мажлислар ва музокаралар учун хона	24	36	54
Канцелярия товаларини сақлаш хонаси	6	9	12
Хўжалик инвентари сақланадиган хона	9	12	18
Хизмат кўрсатувчи ходимлар хонаси	9	9	12

ШНҚ 2.08.16-24 «Банк муассасалари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

Банк муассасалари биноларининг хоналаридаги ҳаво ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги

Хона	**Йилнинг совуқ даврида ҳаво ҳарорати**	**Бир соатда ҳаво алмашиниш карралиги ёки алмаштириладиган ҳаво ҳажми, m^3/h**	
		кирувчи	чиқувчи
Амалиёт зали	ГОСТ 30494-2011 бўйича	Ортиқча иссиқлик-намлик ассимиляциясининг ҳисоби бўйича[1)], бироқ 2 дан кам бўлмаслиги керак	
Умумий иш хоналари, мажлислар ва музокаралар учун хоналар	ГОСТ 30494-2011 бўйича	3 бироқ камида 30 m^3/h	3
Мажлислар зали	ГОСТ 30494-2011 бўйича	Ортиқча иссиқлик-намлик ассимиляциясининг ҳисоби бўйича, бироқ камида 30 m^3/h	
Хоналар ва қабулхоналар	ГОСТ 30494-2011 бўйича	2	2
Ҳисоблаш техникаси, алоқа воситалари, криптоҳимоя ва ксерокопия учун хоналар	22 — 24 °С	Ортиқча иссиқлик-намлик ассимиляциясининг камида 30 m^3//соат	
Бланкалар, ускуналар, анжомлар, қоғоз ва ўраш материаллари	ГОСТ 30494-2011 бўйича	1,5	1,5
Молиявий ҳужжатлар сақланадиган архивлар	17 — 19 °С	1,5	1,5
Таъмирлаш устахоналари	21 — 24 °С	2	2
Дам олиш, овқатланиш хоналари	ГОСТ 30494-2011 бўйича	3 камида 30 m^3/h	3
Инкассация автомашиналари учун бокслар	10 °С	Автотураргоҳларни лойиҳалаш нормалари бўйича	
Аёллар шахсий гигиена хоналари	24 — 26 °С	3	3
Санитария узеллари	ГОСТ 30494-2011 бўйича	-	Ҳар бир унитаз ва писсуарга 50 m^3/h
Вестибюллар	ГОСТ 30494-2011 бўйича	2	-
Устки кийим гардероби	ГОСТ 30494-2011 бўйича	-	2
Ишчи кийим гардероблари	ГОСТ 30494-2011 бўйича	2	2

Изоҳ:

[1] *Таркибида (ҳажмида) ҳисоблаш-амалиёт ходимлари ва мижозлар учун жойлар (зоналар) бўлган амалиёт залида ҳаво алмашинувини ҳисоблашда ҳар бир ходим томонидан 3 нафар мижозга хизмат кўрсатилиши ҳисобга олиниши лозим.*

[2] *Деразаларини очиш тақиқланган хоналарга ташқи ҳавонининг киритилиши табиий равишда шамоллатилмайдиган хоналарга қўйиладиган талаблар ШНҚ 2.04.05-22 бўйича амалга оширилиши зарур.*

ШНҚ 2.08.16-24 «Банк муассасалари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА

Пўлат-фибробетондан ишланган ҳимоя тўсувчи конструкцияларнинг параметрлари

Тўсувчи конструкцияларнинг бузилишга қарши мустаҳкамлик синфи	**Тўсиқ қалинлиги, mm**	**Фибробетоннинг сиқилишга мустаҳкамлик синфи**	**Ҳимоя қатламининг арматурагача бўлган қалинлиги, mm**	**Тўрлар орасидаги соф масофа, mm**	**Арматура диаметри, mm**	**Дисперсли арматуралаш кўрсаткичлари**		
						Фибраларнинг узилишга қарши кафолатланган вақтинчалик қаршилиги, $\sigma_{L\,вр}$, MPa	**Ҳажм бўйича фибрали арматуралаш коэффициенти, μ_{fv}, %**	**Фибра сарфи, kg/m^3**
V	200	B 20	25	102	12	400	0,6	50
VI	200	B 20	25	102	12	400	1,0	80
VII	200	B 25	25	102	12	400	1,5	120
VIII	250	B 30	30	126	16	400	0,8	60
IX	300	B 30	40	156	16	600	1,0	80
X	300	B 40	40	156	16	600	1,25	100
XI	400	B 45	50	236	16	600	1,5	120
XII	550	B 50	50	386	16	600	1,5	120
XIII	700	B 60	50	536	16	600	1,5	120

ШНҚ 2.08.16-24 «Банк муассасалари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
5-ИЛОВА

Панжарали ҳимоя эшиклари ва дераза панжараларига қўйиладиган техник талаблар

1. Қўшимча панжарали эшиклар ички томондан ўрнатилиши ва икки томонга очиладиган ёки икки томонга суриладиган бўлиши керак.

Эшик кесаки (рама)си пўлат профилдан тайёрланиши зарур.

56 × 36 ×5 mm ли металл бурчаклик билан кучайтирилган ёғоч эшик кесакиларини қўллашга йўл қўйилади, бунда мазкур кесакилар диаметри 12 mm дан кам бўлмаган пўлат қозиқлар билан деворга маҳкамланиши лозим.

2. Деразалардаги панжаралар икки томонга очилиши ёки икки томонга сурилиши ва ички томондан ўрнатилиши керак.

Панжаралар диаметри 16 mm дан кичик бўлмаган пўлат арматурадан тайёрланиши ва улар катакларининг ўлчами 150 × 150 mm дан кам бўлмаслиги, арматураларнинг кесишган тугунлари пайвандланиши зарур.

Панжаранинг кесакиси (рамаси) 75 × 75 × 6 mm ли металл бурчакликдан тайёрланиши лозим.

Дераза ўринларининг периметри бўйлаб 75 × 75 × 6 mm ли металл бурчакликдан тайёрланган қути ўрнатилиши, мазкур қути деворга ҳар 500 mm да деворга киритиб маҳкамланган пўлат анкерларга пайвандланиши, пўлат анкернинг диаметри 12 mm дан кичик бўлмаслиги зарур.

Панжаранинг битта томонидаги анкерлар сони иккитадан кам бўлмаслиги, қутига панжара маҳкамланиши лозим.

Декоратив панжараларни қўллашга йўл қўйилади, бунда уларнинг мустаҳкамлиги юқорида кўрсатилган панжараларникидан кам бўлмаслиги зарур.

ШНҚ 2.08.16-24 «Банк муассасалари»
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
6-ИЛОВА

Хонада мўлжал олиш учун зарур бўлган кўринувчанликни таъминлаш учун хоналардан тутунни вентиляция қилиш вақти

1-жадвал

Хоналар майдони, m^2	**Ҳавони алмаштиришнинг турли карраликлари (n) да вентиляция вақти, h**				
	n = 2	**n = 3**	**n = 4**	**n = 5**	**n = 8**
100	1,38	0,92	0,70	0,55	0,35
200	1,56	1,04	0,78	0,62	0,39
500	1,79	1,19	0,89	0,72	0,45
1000	1,96	1,30	0,98	0,78	0,49

Одамлар қисқа вақт давомида бўладиган хоналарни вентиляция қилишда ўт ўчирувчи газнинг хавфсиз концентрацияларига (углерод икки оксиди учун 5 % ва азот учун 83 %) эришилишини таъминловчи вентиляция вақти

2-жадвал

Ўт ўчирувчи газ	**Ҳаво алмаштиришнинг турли карралиги (n)да вентиляция вақти (h)**				
	n = 2	**n = 3**	**n = 4**	**n = 5**	**n = 8**
Углерод икки оксиди	1,50	1,00	0,75	0,60	0,38
Азот	0,89	0,59	0,44	0,35	0,22